



ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ШАНБА

СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ● № 150 (9646). ● 1989 йил 12 август ● Баҳоси 5 тийин.

• «Ҳосил—89»:

«ТАЖРИБАЛАРИНГИЗ БИЗГА МАЪҚУЛ БЎЛДИ»

Тошкент—Мари областлари: ўзаро ҳамкорлик

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, мусобақа шартлари қандай бажарилаётганини текшириш учун туркменистонлик қардошлар областимизга келишган эди. Улар икки кун давомида районларда, колхоз ва совхозларда бўлдилар. Дала меҳнаткашлари, чорвадорларнинг ишлари билан танишдилар.

Меҳмонлар Тошкент районидаги К. Маркс номи колхозининг довуруғини эшитишган эди. Шунинг учун ҳам улар бу ҳужаликда Озиқ-овқат программасини бажариш йўлида қилинаётган ишлар билан гоҳда қизиқдилар. Улар, айниқса, консерва заводи қандай ташкил этилганлиги, ишнинг йўлга қўйилиши билан атрофлича танишдилар. Заводга кирaverишда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг намунаси махсус стол устига териб қўйилбди: олма шарбати, аччиқ-чучук, чимчи, гулқарам консерваси, ҳар хил меваларнинг шарбатлари, турли ҳажмдаги банкаларга жойланиб, чиройли ёрликлар ёпиштириб қўйилбди.

— Завод неча хил маҳсулот тайёрлаяпти!— қизиқибди меҳмонлар.

— 20 дан ортиқ,— деб жавоб берди колхоз раиси Р. Акбаров.— Утган йили қурила бошлаган эди, мана энди тўла қувват билан ишлай бошлади. Биз ҳисоблаб чиқдик, июнь ойида салкам 30 минг сўмга яқин фойда олинбди.

— Магазин орқали сотилаяптими!—
— Бўласам-чи,— деб жавоб берди раис,— ҳозир шаҳарда колхознинг учта фирма магазини ишлаб турибди. Келгусида магазинлар сонини 8 тага етади. Биз мутасаддилар билан келишиб қарор қилиб қўйдик. Москвада ҳам колхознинг фирма магазини очилади.

— Бор-йўғи 500 гектар атрофида сувли ерларингиз бор экан,— деб қизиқибди меҳмонлар,— ҳам давлатга топширсангиз, ҳам қайта ишласаларингиз. Бу ердан олинган маҳсулот етмайди-ку.

— Албатта-да,— деди раис,— Биз қўшни республикалар, областлар билан ҳам савдо-сотиқ алоқаси ўрнатганмиз. Улар билан маҳсулот алмашамиз. Кўнч неча Наманганга иккита машина юборганмиз. У ердан узум олиб келишад.

...Туркменистонлик меҳмонлар Калинин районида бўлганларида «Рассвет» бўрдоқчилик совхозида ҳам тажриба ўрганганликларини қайд қилдилар. Совхозда семиртириш ҳисобига ҳар йили 6—7 минг тонна гўшт етиштирилмоқда. 6 миллиондан ортиқ соф даромад олинади. Бу даромаднинг бир қисми социал мақсадларга сарфланади. Чорвадорлар уйи, соғомлаштириш пункти чорвадорлар хизматид.

Туркменистонлик мусобақадорлар областнинг пахта дала-ларида ҳам бўлдилар:


— Қаерга бормайлик, биз деҳқонлар ва сабзавоткорларнинг об-ҳаво туфайли рўй берган қийинчиликни мардон меҳнатлари билан енгиб, мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Ўзаро суҳбат, тажриба алмашув жараёнида бу ҳолат алоҳида таъкидланди. Қимматли маслаҳатлар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

Кеча ўзаро текширишга яқун чиқарилди. Н. РИХСИЕВ.

Суратларда: меҳмонлар К. Маркс номи колхозининг консерва заводи цехида; «Рассвет» совхозини бўрдоқбоқарларининг иш тажрибеси ҳам қардошларга маъқул бўлди.

Суратларини А. ЗУФАРОВ олган.



ТИНЧЛИККА ҲИССА

ОБЛАСТЬ саноат, транспорт, қурилиш ташкилотлари, ишлаб чиқариш илгорлари, колхоз ва совхозлар меҳнаткашлари ер юзида тинчликни сақлаш учун Совет Тинчлик фондига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бу борада Беҳобод, Ангрен, Нариманов каби шаҳарлар, Ғалаба, Чиноз ва бошқа қатор районлар тинчликсеварлари ҳаракати бир мунча активлашди. Улар-

нинг ташаббуслари билан турли ишлаб чиқариш шанба-ликлари ташкил этилиб, тушган маблағ 700-счёта ўтказилди. Бундай ватанпарварлик ҳаракати туфайли тушган маблағ сўнгги икки йил давомида 859 минг сўмдан ортиб кетди.

Бу фонднинг маълум қисми етим болаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг болалар уйлари, интернатлардаги турмушини яхшилашга, шунингдек, Улуғ Ватан уруши инвалидларини озиқ-овқат ва дори-дармонлар билан таъминлаш учун сарфланади.

М. САВЕЛЬЕВ.

ЦЕХ ФАБРИКАГА АЙЛанаДИ

Пойтахтнинг Юнусобод массивидаги кўпчилик аёлларнинг талаби инобатга олиниб Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги цехи очилди. Унда ҳозирча 350 хотин-қиз ишляпти. Бу ерда аёллар юбналари, камзуллари, костюмларни ишлаб чиқариляпти.

Янги ташкил этилган цех замонавий машиналар ва технология билан таъминланган. Ишлаб чиқариш маданиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада бир ойда 6,5 минг ўрнига 7 минг костюм ишлаб чиқарилди.

— Цехимиз келажакда кенгайиб 2-фабрикага айлантирилади,— деди цех бошлиғи Раиса Раҳимова биз билан суҳбатда.

С. СУЛТОНОВ.

ТОШКЕНТДА МИТИНГ

10 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريётининг клубида руҳсат этилган митинг бўлиб ўтди. Митингда республика журналистлари, бошқа ижодий ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Митинг қатнашчилари баъзи марказий оммавий ахборот воситаларида, хусусан «Огонёк» журналида Фаргона воқеаларига доир фактлар бузиб кўрсатилганлиги хусусида норозилик билдирдилар.

(ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШЛАРИМИЗДА ҚАЙТА ҚУРИШ БЎЛАДИМИ?

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИ-
НИНГ МАЪЛУМОТЛАРИ СИЛЖИШЛАР МАВЖУД-
ЛИГИДАН, ЛЕКИН ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА ҲАЛИ
ВАҚТ ЭРТАЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон бинокорлари беш йиллик бошлангандан бери умумий қиймати 20,6 миллиард сўмлик асосий фондларни ишга туширдилар: бу жуда катта кўрсаткич. Шу даврда республика халқ хўжалигига пул билан таъминлашнинг барча манбаларидан 21,7 миллиард сўм сарфланди.

Хўш, бу маблағлар нимага сарфланди? Асосан агро-промышленный комплексга. Уни ривожлантириш учун капитал маблағларнинг ярмидан кўпроги талаб қилинди. Бундан ташқари 38 та катта корхона ишга туширилди, ишлаб турган кўпгина корхоналар техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланди ва реконструкция қилинди. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш иллари иккинчи даражали иш деб ҳисобланарди: эскирис битмай туриб, янги қурилишни шовқан-сурон билан бошлаб юборишаверишарди. Энди такомиллаштиришга кетадиган харажатлар ҳиссаи тобора кўпаймоқда. Бундай харажатлар уч йилда 4,1 миллиард сўмни ташкил этди, бинобарин, ана шу мақсадларга ажратилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 1985 йилдаги 35 фоиздан 1988 йилда 48 фоизга етди.

Айни вақтда социал соҳага қилинаётган харажатлар кўпаймоқда — тўғри, биз ўйлаганчалик тез бўлаётган, ҳар ҳолда тўрт йил ичида бу харажатлар 800 миллион сўм кўпайди ва ўтган йилги 3 миллиард сўмни ташкил этди. Бу нарса, жумладан, пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 21,6 миллион квадрат метр уй-жой қуриш имконини берди. Шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўзи банкдан олинган қарздан ва

давлат ташкилотлари хизматидан фойдаланиб 9,7 миллион квадрат метр уй-жой қуриб олдилар.

Айни вақтда бундай ишлардан мақтанишга асос йўқ. Чунки асосий фондларни ишга тушириш ҳамда давлат капитал маблағларини ўзлаштириш юзасидан беш йиллик топшириғи ҳар ҳолда бажарилгани йўқ. Химия-ўрмон ва қурилиш комплексларининг бир қанча ишхоналари, шунингдек халқ учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ва цехлар фойдаланишга топширилмади. Боз устига беш йилликда 42,2 миллион квадрат метр уй-жой, улардан 18,5 миллион квадрат метр ишхоналар маблағлари ҳисобига фойдаланишга топширилди, 23,7 миллион квадрат метр уй-жой ва шундан давлат маблағлари ҳисобига 9,7 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Қоқликка йўл қўйилганлиги шундай кўриниб турибди. Жумладан уй-жой кооперативлари маблағлари ҳисобига квартиралар қуриш жуда кам ва сўст бормоқда.

Пудрат ишлари плани ҳам тўла бажарилмади.

Йўл қўйилган қоқликка барҳам бериш учун нима қилиш керак? Бир қарашда, бунинг аҳамияти йўққа ўшайди. Энг аввало қурилишда тартиб ўрнатиш, яхши ишлашга ўрганиш зарур. Ахир беш йилликда қурилишда меҳнат унумдорлиги 8,2 фоиз ўсади, деб режалаштирилган эди-ку! Аслида эса у фақат 7,6 фоиз кўпайди. Шу сабабдан ишни қилиб улгурмадилар, уйдасидан чиқа олмадилар, фойдала-


нишга топшира олмадилар...

Ўмидбахш факт ҳам бор: ҳар ҳолда қурилишда иқтисодий танглик бўлмади. Ҳар қалай меҳнат унумдорлиги маошга нисбатан 7,1 фоиз ўсди. Меҳнат унумдорлиги бир процент ўсганда ўртача ойлик иш ҳақи ошиши 0,93 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб биз бир сўмлик иш бажариб, қўнғимизга ўша сўмни эмас, балки бор-йўғи 93 тийинни соляминиз. Эҳтимол, худди шу нарса янада зиёдроқ ўзгаришларнинг бошлангандир? Бунинг эса вақт кўрсатади.

(ЎзТАГ муҳбири).

■ Кўплаб қурилиш ташкилотларининг меҳнат коллективлари ва айрим бинокорлар ўзларининг касб байрамларини муносиб кутиб олмақдалар. Сиз ушбу суратларда кўриб турган Тошкентдаги 4-қурилиш трести 19-бошқармасининг бетончиси Абдумавлон Ваҳобов (пастда) ва «Ўзстройконструкция» территориал бирлашмасининг Музаффар Маржабов (юқорида ўнгдан биринчи) раҳбарлигидаги бригада аъзолари ҳам айём олди социалистик мусобақасида яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Р. ШАРИПОВ ва У. УСМОНОВ суратга олган.



13 АВГУСТ — ҚУРУВЧИЛАР КУНИ

• Сайловдан сўнг

ДЕПУТАТ ТАШВИШЛАРИ

АНГРЕНДАГИ «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори СССР халқ депутати И. Искандаровнинг қайта қуриш билан боғлиқ масалаларга нисбатан ўз қарашлари, мустакил фикри бор.

У. «Исон ўз ишхонаси, колхоз, мамлакатнинг хўжайини бўлсин», дейди, ҳамда қўндалик фаолиятида айнан мана шу нуқтан назардан ҳаракат қилади.

— Қайта қуришнинг бешинчи йили бошланди. Лекин кўпчиликдан, «У ҳали бизгача етиб келгани йўқ», деган гапларни тез-тез эшитиш мумкин. Ким уни амалга оширадиган? Қайта қуришнинг юқоридан келадиган буйруқлар билан ўрнатиб бўладими? Албатта йўқ. Қачонки ўзгариш ҳар бир кишининг ўзида бўлиб, эскича дунёқарашлар барҳам топмас экан, ишчиликнинг ижобий томонига бурилиши ийбон. У бу фикрга сайловолди ташвишлари,

кўпчилик билан учрашувлар ўтказган чоғларда келган бўлиши ҳам мумкин.

Ўшанда И. Искандаров 119-Охангарон миллий территория доирасида сайловчилар билан 50 дан ортқ учрашувлар ўтказди. Охангарон, Ангрен, Тўйтепа, Янги-обод ва яна бошқа жойлардан келган кўпчилик аҳоли бу йиғилишларга ўзининг дарди, ташвиши, талабларини олиб келар, депутатга турли нақазлар беради. Сайловлар давомида бундай нақазларнинг сони 140 тадан ошди.

Депутат И. Искандаровнинг фаолияти кўпроқ халқ эҳтиёжини, унинг талабларини қондиришга қаратилган. Бу борада бир мунча ишлар ҳам қилинди. Партия ва совет органлари ва шахсан И. Искандаровнинг ҳаракати билан Ангренда агро-промышленный бирлашмаси тузилди, унга Ангрен гўшт комбинати, сут маҳсулотлари заводи, шаҳарнинг бир қа-

тор бошқа корхоналари ва шу жумладан, «Ўзбекрезинотехника»нинг ўзи ҳам бирлаштирилди. Мақсад — шаҳар аҳолисини озик-овқат, сабзавот маҳсулотлари билан талаб даражасида таъминлаш, унинг эҳтиёжини тўлароқ қондириш эди.

Депутат яна қандай вазифаларни мақсад қилиб қўйган?

Биринчидан, 1989 — 1990 йилларда қилиш ишлаб чиқариш 2,5 миллион ва келгусида 5 миллион жуфтга етказиш мўлжалланмоқда. Бу эса аҳолининг ана шундай молларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга бундай товар билан ташқи савдода иштирақ этиш имконини ҳам беради.

Иккинчидан, акционерлар уюшмасини тузиб, ишчиларнинг шахсий жағғармаларидан унумли фойдаланиш. Бунинг ҳисобига бирлашма техник жиҳатдан янгилашгани янада тезлаштириб, йиллик даромадининг 5 — 10 фоизини ишчиларига бўлиб бериш имконига эга бўлади.

Учинчидан қурилиш ишлари янада тезлаштириб, уй-жой билан таъминлаш муаммосини тезроқ ҳал қилишга интилиш.

Ҳозир бирлашмада мактаб-

гача ёшдаги болаларни боғчага жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар тугатилган. Майнинг хизмат, соғлиқни тиклаш уйлари, пионер лагерлари қурилиши керак.

Охангарон водийсидаги экологик аҳвол ҳам анча ташвишли. Вазиятни яхшилаш мақсадида «Ангрен — Тошкент» темир йўлини электрлаштириш, бир қатор шаҳар ҳамда қишлоқларни газлаштириш кўзда тутилган. Тўйтепа, Нуробод ва бошқа посёлкаларда «Ўзбекрезинотехника»нинг бўлим (филиал) лари тузилаётган. Бу биринчидан ҳам халқ учун зарур бўлган қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берса, иккинчидан аҳолини иш билан таъминлаш каби мураккаб масалалардан бирини бир қадар енгиллаштиради, одамлар фақат мавсум чоғлари эмас, балки йил бўйи иш билан машғул бўла оладилар.

Бир сўз билан айтганда, ўзгаришлар бор, ўзгаришлар кутуллашти. Лекин қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Аммо халқ депутати умум гайрати билан бу муаммоларни енгишга ишонади.

Э. КЛЕИ

Она-Ватан БҮЙЛАБ

■ ЧЕРЕПОВЕЦ. (Волгада области).

Волга дарёсининг булғаниши Череповецдан бошланади — «XXI аср Волгаси» ёшлар экологик экспедицияси қатнашчиларининг фикри шундай бўлди. Экспедиция биринчи марта шу шаҳарда тўхтади. Экспедиция таркибига Москва давлат университетини, СССР Филар академияси ва ВАСХНИЛ олимлари кирган.

■ ҚИЗИЛ.

Китоблар, ноталар, халқ либослари ва мусиқа асбоблари 7 август кунини Шарқий Сая тоғларининг юксак тўққиларини ошиб ўтган ғалати десантининг анжомларини ташкил этди. Тува АССР ижодий союзларининг вакиллари, профессионал ва ҳаваскор артистлар Бурятиянинг жануби-ғарбида ҳаёт кечираётган тоғлар — нам соғли халқ вакиллари ҳузурига меҳмон бўлиб келишди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ТЕЛЕВИДЕНИЕ, радио ва вақтда матбуот шу кунларда жиддий эътибор бераётган асосий мавзулардан бири тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидир. Жамиятнинг турли табақа ва қатламларига мансуб кишилар шахсий фикрларини, аниқ тақлифларини баён этмоқдалар.

Лойиҳа билан танишар эканмиз, бизда ҳам баъзи бир мулоҳазалар туғилди. Шу орада шахар йўл қурилиш-ремонт трестига қарашли бизнинг ишлаб чиқариш-техник комплекташ бошқармада лойиҳа муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Бош инженер А. Доминанди қонун лойиҳасини йиғилганларга ўқиб, тушунтириб берди. Шундан сўнг ишчилар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Чунончи, тошми майдалаш ва саралаш деҳи элктритги А. Усмонов бундай деди:

— Қонун лойиҳаси сарлавҳасининг ўзиёқ кишини ажаблантиради. Нима учун ўзбек тили тўғрисида, дейилмай, тиллар тўғрисида, дейилган? Тиллар тўғрисидаги қонун билан СССР Олий Совети шугулланиши керак, шекилли. Агар қонун лойиҳадаги тартибда қабул қилинса, ҳозирги ахвол мутлақо ўзгармайди, аксинча, тилларнинг ҳозирги амал қилиш тартиби қонуллашиб қолади, ҳолос.

Шу нуктаи назардан лойиҳани қайта кўриб чиқиш, аниқ жиддий ўзгаришлар киритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Рус тилини ҳар бир моддада такорлайверишнинг ҳожати йўқ, у миллатлараро алоқа тили вазифасини шундоқ ҳам ўтайверади.

Бизда муҳокама қандай ўтди?

• Жиддий эътироз •

Бошқа ишчилар қатори биз ҳам ўз фикрларимизни ўртага ташладик. Жумладан, 3-моддадаги «Ўзбекистон ССРда рус тили миллатлараро муомала воситасидир» деган жумла қуйидаги таҳрирда берилиши керак: «Ўзбекистон ССРда ўзбек тили давлат тили сифатида миллатлараро муомала воситасидир». 13-моддадаги «Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади» жумласини «Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ва маълум пайтгача рус тилида ёзилади» деб

тилини билиши шарт». Сўзга чиққан бошқа но-тиқлар ҳам шундай фикрларини баён этдилар. Шундан сўнг мажлисни олиб боровчи нотикларнинг тақлифларини овозга қўйди. Бу тақлифга 18 киши, яъни йиғилишда қатнашаётган ўзбекларнинг ўзинга овоз берди. Қолган 35 киши, яъни рус ва бошқа миллат вакиллари қарши овоз бердилар. Шундай қилиб, йиғилишнинг қонун лойиҳаси матбуотда эълон ҳолатда қолдирилиши кераклиги тўғрисида аввалдан ёзиб қўйилган қарори тасдиқланди.

Биз буни мутлақо нотўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки

мажлисни уюштириш ва ўтказиш тартиби бузилди, демак, бундай мажлиснинг қарори ноқонунийдир. Биринчидан, мажлис ҳақидаги эълон кеч осилди ва бунинг устига кун тартиби маълум қилинмади. Масалан, биз ҳам қандай масала муҳокама қилинишини мажлисга кирганимиздан сўнг билдик. Иккинчидан, коллективимиз жами 592 кишидан иборат. Мажлисда эса 53 киши қатнашди, ҳолос. Уларнинг ҳам аксарияти кўпчилиги идора хизматчиларидир. Давлат тили тўғрисидаги муҳим масалани 592 киши номидан 53 киши ҳал қилиб юборавериши тўғрими, ахир?!

Умуман олганда шундай қилиш ҳам мумкин. Аммо фақат битта шарт билан. Яъни лойиҳа муҳокамасига бағишланган шундай йиғилишлар аввал ҳақларда бўлиб ўтиши, у ерда фикрлар, тақлифлар жамланиб умумлаштирилиши, шундан сўнггина ҳар бир цех бошқарма бўйича ўтказиладиган йиғинга ўз вакилини юбориши керак эди, токи ҳар бир вакил умумий йиғилишда ўз цехи коллективининг тақлифини ҳимоя қилсин. Шундай қилинганда бутун бошқарма коллективининг қонун лойиҳаси тўғрисидаги ҳақиқий фикри адолат йўли билан аниқланган бўларди.

Ж. САРИМСОҚОВ,
тошми майдалаш-саралаш цехи мастери.

ЭСКИ ЎЗБЕК ИМЛОСИННИ БИЛАСИЗМИ?

ОШКОРАЛИК ва демократия шарофати билан эндиликда халқимиз эски ўзбек тили ёзуви ва ўқилишини ўрганишга киришмоқда. Лекин шунга қарамасдан кишилар онгига сингиб кетган турғунлик даврининг иллатлари тўғрисида баъзи бир кирилсизлар бу ёзувни ўрганиш динни тарғиб қилиш деб тушунмоқдаларки, ақл-заковатли кишилар бунга қарши муросасиз кураш олиб боришлари лозим деган фикрдаман.

Совет ҳокимияти даврида графикамизнинг икки қайта ўзгариши бизни минг-минг йиллик маънавий ҳазинамиздан йироқлаштирди, тарих ва адабиётимизни сохталаштирди. Мана шуларнинг оқибатида ҳозирга қадар биз тарихимиз ва адабий меросимизни чўқур билмасдан туриб ваъз-ўқулик қилиб келдик. Ахир ота-боболарнинг тарихи ва илмий-адабий меросини пухта билмаган халқ қандай қилиб ўзини тараққийпарвар миллат деб ҳисоблаши мумкин! Албатта, буни бефарқлик деб эмас, балки турғунлик даврининг салбий оқибати деб англамоғимиз керак. Шу босдан эндиликда эски ўзбек тили ёзуви ва ўқилишини ўрганиш асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунга Ўзбекистон ССР Тиллар ҳақидаги қонун лойиҳасининг 24-моддасида уруғ берилганлиги бежиз эмас. Назаримизда, мазкур моддада эски ўзбек алифбосини ўрганиш ва ўргатиш шунчаки бир умумий тарзда қайд этиб ўтилгандек туюлади. Менимча, ўша моддани янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш зарур. Эски ўзбек имлосини ўқиш ва ўқитиш билан боғлиқ масалалар аниқроқ ақс этса айти мудоао бўлар эди. Чунки бу — замон талаби, бобокалонларимиз эди-хурматидир.

Бугунги кунда бир қанча олимларимиз халқимизнинг эски ўзбек тили ёзуви ва ўқилишини ўрганиш учун бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, бу борада Раҳимбой Жуманазов, Эргаш Умаров, Ҳабибулло Солиҳларнинг хизматлари жуда катта. Улар томонидан яратилган методик қўлланмалар бу ёзувни ўрганишни осонлаштирмоқда. Бундан ташқари шу кеча-кундузда республикамиз бўйича эски ўзбек тили ёзуви ва ўқилишини ўргатиш мақсадида бир қанча курслар ишлаб турибди. Шундай курслардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти қошида ташкил этилган йиллик пулирик курсидир. Бу курс ўз фаолиятини шу йил март ойидан бошлади. Уни ташкил этишда ёш олим Р. Жуманазовнинг хизматлари катта. Хусусан, унинг тақрири остида чиққан «Эски ўзбек ёзувидан амалий машғулотлар ўтказиш бўйича методик тавсиялар» номили китобча ҳамда «Эски ўзбек тили ёдгорликларидан олинган сўзлар лугати» бу ёзувни ўрганишни янада осонлаштирмоқда. Мазкур лугат эски ўзбек тили ва ёзуви ёдгорликларини мутлавоа этишда кўл келади. Агар у қайта ишланиб, нашриёт йўли билан кўпроқ нусхаларда босиб чиқарилганда, айти мудоао бўлар эди.

М. АБДУЛХАЙРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ходими.

Қайта таҳрир қилинсин

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан обдон танишиб чиқдим-у, ҳайратга тушдим. Авваламбор, бу лойиҳа дебоҳасида «Ўзбек тили давлат тилидир» деб айтілса, кейинги бобларда эса бу фикр бутунлай ўзгариб, иккитилиликни кўзда тутди. Гапнинг индаллосини айтганда, бу лойиҳа умуман қайтадан таҳрир қилиниб, халқ ҳукмига ҳавола қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Жумладан, IV бобнинг 12-моддасида: Раҳбар муомала, ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин» деган қонда ўзбек тилини ўрганмасдан туриб ҳам раҳбарлик қилиш ваколатини берибди, бу ҳол эса маҳаллий миллатнинг ҳуқуқини чеклашга олиб келади.

Мен оддий бир спорт журналисти сифатида баъзи фактларни келтирмоқчиман. Республикада «Ўзбекистон физкультурачиси» деган газета чиқади. Унинг муҳаррири Д. Т. Фаттоҳов ҳузурига хизмат юзасидан кирсангиз, у киши билан рус тилида муомала қилишга мажбур бўласиз. Матбуот органининг раҳбари ўзбек бўла туриб, ўз она тилини билмагандан кейин ёнгангизни ушлашингиз, табиий. У киши билан телефонда гаплашсангиз

сизга чалакам-чатти ўзбекча сўзларни ижиграниб гапирарди. Мазкур спорт газетаси аввал рус тилида чиқиб, сўнгра ўзбекчага тарғиб қилинишини кўпчилик билмас керак. Сизнинг материалингиз аввал русчага ўғирилди, кейин яна ўзбекчага тарғима қилиниш кулгиди ҳол эмасми? Юз мингдан зиёд нусхада босиладиган бу газетанинг бор-йўғи 20-25 фонзи рус тилида чиқса-ю, ўзбек спорт мухлислари унинг русча тарғимасини ўқиса, бу қанақаси?

Яна бир муҳим нарса: мабодо почта, телеграф, омонат касса, аэрокасса, темирйўл кассаси, дорихона, ИЖКларга ишнингиз тушса, бу масъул жойларда асосан рус тилини биладиган уртоқлар ишлашади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай вазиятда фақат русча гаплашишга мажбур бўласиз. Менимча, тиллар ҳақидаги қонун лойиҳасида бу ҳақдаги бобларга зарур ўзгаришлар киритилиши лозим.

Республика физкультура ва спорт давлат комитетида маҳаллий кадрларга умуман эътибор берилмай қўйилган. Мана, баъзи рақамлар: комитетда ишлаётган 66 нафар кишининг аттиги 8 фониини ўзбеклар ташкил этади, ҳолос.

Биз, спорт журналистлари айтинса, радио ва те-

левидение ходимлари ўзбек тилида интервьюлар олишдан маҳрумдир. Наҳотки бу ерда ишлаш одадиган ўзбек кадрларини топиш шунчалик мушкул бўлса? Спорт комитетидигилар: «Улар йўқда, бу ерда ишлашни хоҳлашмайди» деган асоссиз баҳоаларини рўқач қиладилар. Аслида бу ерда ишлаш одадиган мутахассислар бор. Масалан, Эркин Каримов, Сайфиддин Ҳодиев, Руфат Ристиев каби спорт юлдузларимизга нима учун комитетдан жой топилабди? Қиличбоз Собир Рўзиевнинг ребин бўйича шугулланаётганини нима билан изохлаш мумкин?

«Пахтакор» стадионида футбол ўйинларини 50 минт киши томоша қилади. Уларнинг 90 фониини маҳаллий халқ вакиллари ташкил қилади, десак муволаға бўлмайдди. Лекин бу ерда ўзбек тилида ёзилган шиор ва рекламалар йўқ. Бу ўзбек тилининг камситилаётганидан далолат бермайдими?

Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳаси масалан менга маъсўл бўлмади, уни қайтадан ишлаб чиқиб, жиддий муҳокама олиб бормоқ лозим деб ҳисоблайман.

Азиз ПУЛАТОВ,

Ўзбекистон радиосининг спорт бўлими муҳаррири.

бир-бирлари билан рус тилида гаплашишлари шартми?

А. МИРЖАМОЛОВ,
Паркент райони.

ҚОНУН лойиҳасини ўқиб чиққач, унда икки тилилик тарғиб қилинапти, деган хулосага келдим. Нега Ўзбекистонда ўзбек тили ягона давлат тили бўлиши мумкин эмас?

З. ИЛҲОМОВ,
инженер.

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

БҲҮОК ўзбек шоири Алишер Навоий ўзининг «Муҳокаматул-лугатайн», «Хазоиниул-маоний» ва «Хамса» каби шоҳ асарлари билан эски ўзбек адабий тилига асос солиди. Уни тараққийот погонасига олиб чиқди. Бизнинг минг йилдан зиёд тарихимиз, маданият бойлигимиз араб алифбосида битилган. Манг афсуски, бутун биз ўша битиники ўқий олмаймиз. Бу — дахшат эмасми? Статистик маълумотларга қараганда, эски ўзбек тилида битилган 8 мингдан зиёд қўлеммалар илмий-тектиршш институтларида қўл урилмасдан ётибди. Сабаби, уларни ўқий оладиган мутахассислар йўқ. Шунинг учун эски ўзбек ёзувини тиклаш юзасидан кўп ишлар амалга оширилиши ва улар тил тўғрисидаги қонун лойиҳасида ўзининг мукамал ифодасини топтоғи лозим.

Мен яна бир нарсадан безовтаман: нима учун руслар ўзбек тилига қандайдир паст назар билан қарашади? Яқинда «Правда» газетасида эълон қилинган давра суҳбатига шоира Р. Казанова: «Нима учун Ўзбекистонда яшаётган руслар ўзбек тилини ўрганмайдилар? Бундай тақабурлик қаердан келиб чиқди?» деб куюниб гапирганида халқимиз дилидаги гапларни айтган эди. Шундан келиб чиқиб лойиҳани қайтадан таҳрир этиш, энг биринчи навбатда ўзбек тилининг равишга учун кенг имконият яратишни (бу ҳол рус тили манқега путур етказмайдиган, албатта) таъминлаш зарур.

И. РЎЗИҚУЛОВ,

Бўқа районидидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ТИЛЛАР тўғрисидаги қонун лойиҳасининг I-боб I-моддасида «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек тили...» дейилгани ҳолда IX боб 32-моддада «Муассаса, корхона ва ташкилотларнинг расмий муҳралари, штамплари ва бланкларининг матнлари ўзбек тилида бўлиши ва рус тилида такорлангани керак» дейилган. Бу эса республикада икки тил — ўзбек ва рус тиллари давлат тили бўлиб

хизмат қиладиган, демакдир. Шундай экан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, деб ёлгон гапирининг нима кераги бор?

С. ШАРИПОВ,
Бекобод шаҳри.

ТИЛЛАР тўғрисидаги қонун лойиҳасининг IV боб 16-моддаси қуйидаги жумла билан тугайди: «Республика граждандарининг ССР халқлари тилларини ва чет тиллари ўрганишга бўлган илтишми қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади». Мен бунга «республикада яшайди-

ган ва миллати ўзбек бўлмаган граждандарнинг давлат тилини ўрганиши ва билиши шарт» деб қўшиб қўйилиши тарафдориман.

К. АКБАРОВ,
Калинин райони.

МЕН I боб 3-моддадаги «Ўзбекистонда миллатлараро муомала воситаси рус тилидир» деган фикрга қаршман. Қадим-қадимдан бир-бирини яхши тушуниб келган ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, уйғур сингари туркий халқларнинг бугунга келиб



• Хотин-қизлар кенгаши ҳаётидан

Адолат «Ангрен» совхоз хотин-қизлар кенгаши раиси Маҳбубахон Аҳмадхонановнинг хонасига йиманибгина кирди-ю, лекин дардини айтиб, кўз ёши қилди. Маҳбуба қизнинг аҳволини дарҳол билди: ҳомиласи бор.

— Аввалига ўзимни осмоқчи бўлдим, кейин эса ёкишни ҳаёлимга келтирдим, ҳатто керосин ҳам тайёрлаб қўйган эдим, — деди қиз ўпкаси тўлиб. — Бироқ сизнинг ўша кунги мажлисдаги сўзларингиз мени бу йўлдан қайтарди, охириг илгин билан ёниб-ғизга келдим. У мени алдиди, лекин мен ҳам айбис эмасман, ёрдам беринг, нима қилай?

Адолат кўзида шашқатор ёш билан ер чизарди. Маҳбуба масалага тушиниб етди. Воқеадан Адолатнинг онаси ҳам воқиф экан. Маслаҳат бир ердан чиқди. Адолатни касалхонага олиб келиб, врачларга топширишди. Орадан бир кун ўтгач, Адолат она бўлди...

Совхоз партия ташкилоти Маҳбубахонни бу ишга тавсия этганида унинг ҳаракатчанлигини, одамлар билан

тез тил топишиб кетаолишини, тадбиркорлигини ҳисобга олган эди. Қисқа муддат ичига М. Аҳмадхонанов совхоз хотин-қизлари орасида анчагина ишларни қилишга улгурди. Алишер посёлкасида болалар богчаси йўқлиги туфайли элликка яқин аёл умумий фойдали ишда қатнаша олмас эди. Хотин-қизлар кенгаши раиси бу масалани совхоз партия ташкилотининг умумий йиғилишига қўйди, коммунистлар раисининг таклифини маъқулладилар аммо бухгалтерлар болалар богчаси очини учун маблағ йўқлигини рўқач қилдилар. Маҳбуба Оҳангарон район Совети ижроия комитетига мурожаат қилди. РАПОга борди. Хуллас елиб-югурди. Натижада Алишер посёлкасида 50 ўринли болалар богчаси очилди, 46 аёл ҳужалик ишга жалб этилди.

Ҳужаликда 340 дан зиёд аёллар меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти сўтовар комплексиди, далачилик бригадаларида, пиллачиликда ишлашаёпти.

— Ҳозир аёллар қишлоқ ҳужалигида жуда катта куч

бўлиб турибди. 100 дан ортиқ аёллар оила ва ижара пудрати асосида ишлашаёпти. — дейди М. Аҳмадхонанов. — Хотин-қизлар кенгаши улар ўртасида маданий-оммавий ишларни жонлантириш мақсадида икки марта «Иқбол» конкурсини ўтказди. Хотин-қизлар кенгаши сечига 300 сўмдан ортиқ пул тушди. Бу пулга музика асбоблари сотиб олинди. Тошкент шаҳар театрларига саёхатлар уюштирилади.

Совхоз хотин-қизлар кенгаши аъзолари, айниқса, аёллардан тушган ариза, шикоят ва таклифларга алоҳида эътибор билан қараяпти. Яқинда совхоз хотин-қизлар кенгашига ишчилардан Фотиما Жуманова, Маҳсуда Турдиқулова, Саодат Исмоилова ва Масалат Тошевлар мурожаат қилишиб, ўтган йилги мавсумда пилла боқибдан келган даромдининг бир қисмини ҳалигача ололмаётганлигини маълум қилишган эди. Хотин-қизлар кенгаши бу муаммони ўша ернинг ўзида ҳал қилди. Бу ишда кенгаш аъзолари Ҳабибхон Эгамбердиева, Антонина Коматовская, Ҳайиттул, Шомирзаева, Мавлуда Серкабоева сингари аёллар фаоллик кўрсатдилар.

— Ҳали қилидиган ишларимиз жуда кўп, — дейди М. Аҳмадхонанов. — Қайрма қишлоғида ҳамон болалар богчаси йўқлиги учун ўттизга яқин аёл уйда ўтирибди. Совхозимиз бўйича умуман 60 дан ортиқ аёл иш билан таъмин этилмаган. Биз район раҳбарларидан бу масалада ёрдам беришни совхозимиз териториясида яна битта тикувчилик дехи очилиши илтимос қилдик. Бу масала яқин ҳал бўлса керак. Ёш оилалар, янги урф-одатларни жорий этиш, кексаларни авайлаш бўйича ҳам фикрлар бўлаяпти. Биз уларни яқин кунларда, албатта, ҳал қиламиз.

Маҳбубанинг сўзларига ишонас бўлади.

Мумин ҚАЙУМОВ,
Оҳангарон райони.



● Тошкентдаги республика амалий санъат музейида кўҳна куй ва қўшиқлар, замонавий шўх оҳанглар янги рағбат театрлаштирилган томоша бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон телевидение ва ра-

диоси «Тановар» ансамблининг санъаткорлари актив иштирок этдилар. Ўзига хос янгилиқ ҳисобланган бу концерт ўзбек миллий кийимларини намойиш этишга ҳам хизмат қилди. Суратда: Бу-

тунигитиёқ қўриқ-конкурс лауреати Зухра Сафарова рақсга тушмоқда.

Суратчи А. Кошкин.

ЎЗТАГ.

РЎЗҒОР ТУТГАНИГИЗДА

● Гўшт қиймалагични юнлида қиймаламай десангиз,

гўшдан сўнг унда тозаланган картошка ёки суви қочган оқ нон қиймалагич. Айтмоқчи, уларни бемалол қийма билан қўшиб, овқатга ишлатиш мумкин.

Шуни ёдингизда тутингиз, гўшт қиймалагични оловда

ёки қайноқ плита устида қуритиб бўлмайди — бу унинг пичоқларини ишдан чиқаради.

● Бурда пишираётган овқатингиз тезроқ тайёр бўли-

шини истасангиз, кастроол остида қайнаётган сувга туз ташланг. Шу тариқа сиз сувнинг қайнаш ҳароратини оширган бўласиз.

● Балиқ, қарам ёки саримсоқ пиез ҳидини йўқот-

моқчи бўлсангиз, улар сақланган идишни сиркали сув билан чийиб ташланг.

● Очiq идишдаги мураббо устига шакар сепиб қўйилса, у узокроқ ва сифатли сақланади.

ШЕЪРИЯТ

КЎЗЛАРИНГ

Лайливаш шўх кўзларинг аслида беандозадир,
Курса ким ошиқ бўлар, Мажнун ақлдан озадир.

Сехри жоду, меҳри ёғду, ишва нозин серфусун,
Мўйқалам қошинг ила маҳбубга мактуб ёзадир.

Бахту иқбол юлдузи янглиғ ёниб порлаб турар,
Гоҳи чорлаб ўзига нурдан поёндоз ёзадир.

«Чашман оби ҳаёт»ми, ё зилол меҳри булоқ,
Гулдайин нозик, гўзал, дурдай тиниқ, тов-тозадир.

Турфа дил дунёсини кўз-кўз этар қўзгу мисол,
Ишқ-нафо мулкнидаги тилсимли бир дарвозадир.

Ул фусункор кўзларинг сехри сирим айлайди фот,
Шул сабаб ошиқ Муҳаммад севгисин овозадир.

М. НИЕЗМУРДОВ.

Оилага завол етмасин

— Уттизинчи йилларнинг ўрталари эди, — дейдилар бу-вим, ўтмиш воқеаларини бизга ҳикоя қилиб берад эканлар, — ўшанда 12—13 ёшларда эдим. Ҳеч қўлимдан қўймайдиган латта кўйирчоғим бўларди. Шундай бўлсада, камбағаллик мени икки қоп бугўйга бобонгга турмушга чиқишга мажбур қилган.

«Турмуш-мушт» деганларни рост экан, лекин барча азоб-ларига чидадим. Колхозга кирдим. Урушнинг додини, бева-ликин кўрдим. Яшашимиз оғир бўлишига қарамай қишлоғимизда ажралиш деган нарсаси бўлмаган. Эрини мен қатори фронтга кузатганлар аҳдига содиқ қолишди. У пайтларда оиланинг бузилиши, натижада болаларнинг етим бўлиб қолиши гуноҳ саналарди. Ҳозир тўйларимиз дабдабали, шароитларимиз яхши бўлса ҳам ёшлар ношукр бўлиб кетишаёпти. Уларга сабр-қаноат етишмаяпти чоғи.

Тошкент район ЗАГС бюросида бўлганимда негадир бу-вимнинг шу сўзларини эсладим. Чунки оиланинг бузилишига олиб келаётган жонжаллар районда ўртача ҳар икки, икки ярим кунда содир бўлиб тураётган экан. 1986 йил 161 та, 1987 йил 152 та, 1988 йилда 154 та оила ажриб бўлди. Уч йил ичида жами 467 та. Бу камида 400 дан ортиқ бола етим қолди, онанзорларнинг сочларига барвақт оқ оралади. асбоблар бўзилди, ўртада меҳр-оқибат йўқолди деган гап.

Район граждандлик ҳолати актларини қайд қилиш бўлими мудури Ҳолида Адхамова билан қилган суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— 1986 йилда 1127 та, 1987 йилда 1072 та, ўтган йили эса 1028 та никоҳ қайд этдик. Лекин бу қурилган оилаларнинг барини мустақкам деб айтмас оламйман.

Ҳолида опа шундай дея хазиргина ариза ёзиб кетган ёшларнинг анкетаси билан таниш-тирдилар. Қиз кечагина мактабни тугатган. Йигит бу йил хизматдан қайтган экан. Икка-ласи ҳам ота-онаси қарамоғида, ҳеч қаерда ишламайди. Шундай бўлса-да, ота-она уларни ҳаётга тайёр ҳисобла-япти.

— Районимизда, — дейди Ҳолида опа, — қизлар ўртача 18—19, йигитлар 20—21 ёшда оила қурыптилар. Уларнинг кўпчилиги бурч ва вазифаларини тушунишмайди. Базилари ЗАГСда тўлдирилиши керак бўлган қоғозларни ҳам мустақил равишда хатосиз ёза олиш-майди. Ажримларнинг асосий

қисми шундай оилаларда рўй берапти. Унга асосан қайнона, қайинсингил, овсинлар билан қелишмовчиликлар ҳам сабаб бўляпти. Менимча, қонунда белгиланган синоз мuddати бир ой эмас, уч ойга узайтирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бир қарашда ёшлик айбдор-дек. Лекин бувиларимиз жуда эрта оила қурган бўлсалар ҳам турмушнинг аччиқ-чучуғига қўнқиб кетишган эдилар-ку! Нега улардаги сабр-тоқатни ёшларда кўрмаймиз? Эҳти-момол бу баки ҳислатларни бўйсунувчанлик, тобелик деб атарсиз. Бироқ ўша пайтларда эркаклар аёлларга кўпчилик орасида баланд овозда гапир-маган. Ҳозиргилардек ичиб келгач тўпалон қилиб хотинни маҳаллага шарманда қил-маганлар-ку! Аёллар ҳам рўз-роқ ишларига ношуд бўлиш-маган. Менимча, сабр-тоқат-нинг етишмовчилиги, қолаверса баъзи ота-оналарнинг бола тарбиясига бефарқликлари, хунуқ воқеаларнинг содир бўлишига сабаб бўлмаяптимикиан. Қолаверса оила бошликлари қайнона-кайнотанда ҳам гап-кўп. Ёшларни йўлга солиш, тушунтириш биринчи гада уларнинг вазифаси бўлса ке-рак. Мен шу районнинг Киров қишлоқ совети территориясида истикомат қилувчи ахил оилаларни биламан. Турғун ака Йўлдошев билан Хатма аянинг турмуш қурганларига 42 йил бўлди. Бир хонадонда тўртта келин яшашди. Жами 24 жон. Маҳалла ахли уларни жуда ҳурмат қилади. Оила аҳилли-гида қайнона Хатма аянинг роли катта.

Бу йил ЗАГС бюроси ҳамда район «Билим» жамаияти билан ҳамкорликда «Оила» клубини ташкил этиш, бахт уйи қуриш ҳаракати бор. Қишлоқ Совет-лари билан алоқалар яхшила-ниб бораёпти. Бу борада Ка-линин, К. Маркс номли қиш-лоқ Советларининг ёрдами катта бўляпти. Навоий номли колхозда ёшлар учун махсус магазин ташкил этилган.

Оилаларнинг мустақиллиги-ни сақлаш ҳақида суҳбатлар ўтказилиб турилади. Мактаб-ларда ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳам фойдали бўл-моқда. Яқин кунлар ичида рай-он хотин-қизлар Советининг раисаси Ҳакима Юсупова билан биргаликда «Балли, келин-чаклари», «Балли, кувлар» кон-курсини ўтказишни мўлжал-ляяпти. Биз ўйлаймизки, бу тадбир албатта самарасиз қол-майди. Улар оилани мустақ-камлашга хизмат қилимоғи ло-зим.

Г. ШЕРМАТОВА.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

14 август

■ УЗТВ

15.00 Телефильм. 15.30 П. Телегенов. «Бир фожиа издан». Видеофильм. 1-қисм. 16.35 Хавсур қиссаси. Бадий фильм. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультифильм. 18.25 Меҳнат ва иш ҳақи. 18.55 Санъат оламида. 19.20 Қардош халқлар иттифоқи. 20.00 Ахборот. 20.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Пахтакор». 23.15 Навоийхонлик. Музикали программа.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

■ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Футбол шарҳи. 9.30 «Спрут-2» Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.40 Концерт. 12.15 Ҳайвонот оламида. 15.50 Тенгдошлар. Бадий фильм. 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.45 Очқ рояль. 18.15 Автопортрет. 19.00 Халқ куйлари. 19.15 Донбассининг машаққатли кунлари. 19.45 Футбол шарҳи. 20.15 А. С. Пушкиннинг «Полтава» поэмасини РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Шакуров ўқийди. 21.30 «Время». 22.00 «Спрут-2». Бадий фильм. 2-серия. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 «Балет, балет...»

■ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 10.05 Концерт. 10.55 А. Серафимович. «Стрелка». 11.25 Мультифильмлар. 12.00 Бу дунёни ҳажжонлантirmoқда. 12.15 Тўрт танкича ва ит. Бадий фильм. 10-серия. 13.10 Утган йилларнинг семини қўшқилар. 13.35 Италия тили. 14.05 Шахсий фикр. Бадий фильм. 15.35 Совет Иттифоқида хизмат қилган 17.30 Янгилар. 17.40 Қозон телевидение программаси. 18.35 Томошабинсиз концерт. 19.05 Белоруссия ССР Давлат телерадиоси. «Белорусский деб атланг шундай бир посёлка бор». 19.25 Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Фильм-концерт. 21.30 «Время». 22.05 Давр ҳақида ва ўзим ҳақида. А. Прокофьев. 22.25 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Пахтакор». 23.20 Ҳаёти лавҳалар. 00.20 Янгилар. 00.25 Тонгги почта.

Сешанба

15 август

■ УЗТВ

15.30 Телефильм. 15.45 Привалов миллионлари. Бадий фильм. 1-серия. 17.05 П. Телегенов. Бир фожиа издан. Видеофильм. 18.10 Болалар учун фильм. 19.10 Шарқ халқлари кўшиқлари. 19.35 Ҳаёт манбаи. 20.00 Ахборот. 20.20 Республика шоллопояларида. 20.50 Узбек куйларидан концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 «Иқболи». Қизлар конкурс.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Дусларимиз санъати. 20.10 Привалов миллионлари. Бадий фильм. 2-серия. Душанба кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 «Шоҳнома»нинг 1000 йиллигига бағишланади.

■ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильм. 9.35 Спрут-2. Бадий фильм. 3-серия. 10.35 «Эрирей» фольклор ансамбли юж-

ро этади. 11.05 Ҳужжатли фильм. 11.25 А. С. Пушкиннинг «Полтава» поэмасини РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Шакуров ўқийди. 12.40 Бу бўлган... бўлганди... 13.00 Ҳужжатли фильм. 16.00 Концерт. 16.35 Ҳужжатли фильм. 17.25 «Хор плюс биз». 18.15 Мультифильм. 18.25 Фан: назария, тажриба, практика. 19.10 Дунё воқеалари. 19.25 Ҳиндистон: биргаликда янги аср сари. 20.25 «Утсав» — гўзал Ҳиндистон меҳмони. 21.30 «Время». 22.05 «Спрут-2». Бадий фильм. 3-серия. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Телевизион танишуви. СССР халқ артисти, дирижёр Эри Клас...

■ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Валерий Костин куйлайди. 10.15 Француз тили. 10.45 О. Уейлд. «Садоқатли дўст». 11.15 Чемпионларнинг бошловчи спортчиларга маслаҳатлари. 12.00 Янгилар. 12.10 Тўрт танкича ва ит. Бадий фильм. 11-серия. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.30 Француз тили. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 А. Ремез. Йул. Фильм-спектакль. 15.55 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгилар. 17.40 Унинг отпускиси. Бадий фильм. 19.00 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.25 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.40 Спорт программаси. 21.30 «Время». 22.05 Ҳужжатли фильмлар. 22.55 Қозон ССР Давлат телерадиоси. Қайтадан тикланган байрам. 23.35 Янгилар.

Чоршанба

16 август

■ УЗТВ

15.00 Привалов миллионлари. Бадий фильм. 2-серия. 16.20 Телефильм. 16.55 П. Телегенов. Бир фожиа издан. Видеофильм. 3-қисм. 18.00 Янгилар. 18.15 Камалак. 19.00 Бевосита мулоқот. 20.00 Ахборот. 20.15 «Дале не мятлари — эл дастурхонига». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Сув ва гўза. 22.55 Атака. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 «Жаноб Р». Бадий фильм. 21.05 Пульс. Информацион кўрсатуви. 21.15 Телефильм. Душанба кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Ҳаёти деҳот. 22.45 Чапаев. Бадий фильм.

■ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильм. 9.25 Хор плюс биз. 10.15 Ҳужжатли фильм. 10.45 Балет, балет... 11.45 Сабҳатчилик клуби. 12.45 «Камалак». 16.00 Сохибкамол ва маҳлуқ. Бадий фильм. 17.15 Ҳужжатли фильм. 17.40 Музикали хазина. 18.30 Компьютер билан мулоқот. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳокимият — Советларга! 20.00 Концерт. 20.10 Адабий-бадий видеоканал. 21.30 «Время». 22.05 Адабий-бадий видеоканал. 23.45 Дунё воқеалари. 24.00 Адабий-бадий видеоканал. (давоми).

■ МТ II

17.30 Янгилар. 17.40 Кечкилар. Бадий фильм. 18.55 Экранда — Сибирь. 19.10 Ленинград кунлари — август. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ешлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.00 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Кечкилар. Бадий фильм. 23.20 Янгилар. 23.25 Сув спорт турлари Европа чемпионати.

Пайшанба

17 август

■ УЗТВ

15.00 «Жаноб Р». Бадий фильм. 16.25 Фильм-концерт. 16.55 Урибосерлар улғаймоқда. 18.00 Янгилар. 18.15 Болалар учун фильм. 18.30 Оазис. Телевизион туристик клуб. 19.10 Инсон болаликдан бошланади. 19.50 Долзарб мавзу. 20.00 Ахборот. 20.20 Чорвадор. 20.50 Еш икочилар концерти. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Севишганлар. Бадий фильм. **ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА** 19.40 Уркия. Бадий фильм. 21.05 Реклама. 21.15 Телефильм. Фрунзе кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Ем-хашак жамғариш — барчанин иши. 22.15 Телбалик. Бадий фильм

■ М-I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильм. 9.25 «Спрут-2». Бадий фильм. 10.25 «Утсав» — гўзал Ҳиндистон меҳмони. 11.30 Олам кинокамера кўзгусида. 12.30 Сизга қўшиқ куйлаб бераман. 16.05 Болалар учун фильм. 17.10 Концерт. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.05 Бош авиаконструктор. СССР халқ депутати М. П. Симонов билан суҳбат. 19.25 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.25 Концерт. 20.30 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Спрут-2». Бадий фильм. 4-серия. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Оруз яшаган экан. Фильм-концерт.

■ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Концерт. 10.15 Испан тили. 10.45 Рассоллар ҳақида ҳикоялар. К. Васильев. 11.15 Бор бўл, музика! 12.00 Янгилар. 12.10 Тўрт танкича ва ит. Бадий фильм. 13-серия. 13.05 Совет Иттифоқи бўйлаб. 13.30 Испан тили. 14.00 Кечкилар. Бадий фильм. 15.15 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 15.20 Бир актёр театри. 17.30 Янгилар. 17.40 Эриқли уй. Бадий фильм. 19.10 Дебют. Н. Шестақ куйлайди. 19.25 Бизнинг бурчи-миз». «Бешинчи бурча». 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 22.40 «Сопот-89». Танаффуз пайтида — Янгилар.

Жума

18 август

■ УЗТВ

15.00 Уркия. Бадий фильм. 16.25 Фильм-концерт. 17.00 Советлар мамлакатининг. кичилари. 18.00 Янгилар. 18.15 Мультифильм. 18.35 Объективда — қайта куриш. 19.00 Ҳаёт кувончлари ва ташвишлари. 19.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. 20.00 Ахборот. 20.15 Маорифимиз муаммолари. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 23.30 Драматик актёрлар куйлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Ҳамза ва ўзбек мусикаси... 20.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.05 Пульс. Информацион кўрсатуви. 21.15 Телефильм. Фрунзе кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Аҳолига уй сотиш тартиби ҳақида. 22.45 Мен — Тянь-Шань. 1 ва 2-сериялар.

■ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Мультифильм. 9.25 Спрут-2. Бадий фильм. 5 ва 6-сериялар. 11.40 Инсон. Ер. Коинот. 12.40 Оруз яшаган экан. Фильм-

концерт. 16.05 «3» сайёраси ҳақида вағи таассуротлар. 2-серия. 17.15 Ҳужжатли фильм. 18.15 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.45 Бекимчоқ ўйнаймиш. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Стачкадан сўнг. 19.50 Мультифильм. 20.15 Янгра, гармон! 21.30 «Время». 22.05 Бу бўлган... бўлганди... 22.25 Спрут-2. Бадий фильм. 5-серия. 23.25 Дунё воқеалари. 23.30 Спрут-2. Бадий фильм. 6-серия.

■ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 БССР музикали фольклорининг концерти. 10.20 Инглиз тили. 10.50 Н. Лесков. Сартарош-рассом. 11.35 Бор бўл, музика. 12.00 Янгилар. 12.10 Тўрт танкича ва ит. Бадий фильм. 14-серия. 13.10 Театр, кино ва телевидение рассомлари. Ҳужжатли фильм. 13.30 Инглиз тили. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 Эриқли уй. Бадий фильм. 17.30 Янгилар. 17.40 Уза сайёралик қиз. Бадий фильм. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Эстония ССР Давлат телерадиоси. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Давр ҳақида ва ўзим ҳақида. 21.05 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 22.40 Сопот-89.

Шанба

19 август

■ УЗТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион музикали программа. 10.00 Шанба экрани. 10.50 ДОСААФ — мардлик майдони. 11.20 Жонли камалак. Бадий фильм. 12.30 Ойнаи жаҳон перископи. 13.15 Улишчепром: ривожлантириш йўллари. 13.40 Концерт. 14.10 Бола азиз, одоби ундан азиз. Ҳужжатли фильм. 15.10 Телевизион новеллалар театри. 18.05 Болалар учун фильм. 18.45 Усмирлар учун. Тенгдошлар. 19.30 Узбек тилини ўрганамиш. 20.00 Ахборот. 20.20 Долзарб мавзу. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Осмон дарвозаси. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Душанба кўрсатади: 17.50 Лабиринт. 18.35 Телефильм. 19.20 Аэрофлот: сўраган экансиз, жавоб берамиш. 20.00 Информацион программа. 20.30 Рей Бредбери. Айланмиш. Телевизионроқча. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 23.15 Алибобо ва қирқ қароқчи. Бадий фильм.

■ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Уй академияси. 9.35 Меҳримиз сенга, Ватан. 10.00 Умринг боқий бўлсин. Ер. 11.00 Мультифильмлар. 11.30 Социализм мамлакатларида. 12.00 Концерт. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Болалар учун фильм. 14.00 Аслини олганда. Аванслар ва воқелик. 15.30 Концерт. 16.05 Мўъжизасиз — мўъжизалар. 17.05 Биз пензаликлариш, пензаликлариш. 17.35 Остоженкода, қизил чодраларда. 18.45 Планета. Халқаро программа. 19.45 Қизил бодрезак. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Кетталар учун мултифильмлар. 22.30 Сопот — 89.

■ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Кишлоқ янгиларлари. 9.45 Узоқ Шарқ. Киножурнал. 9.55 Севги, дўст ва тақдир ҳазили. Бадий фильм. 11.30 «НТМ». Информацион кўрсатуви. 11.45 Иттифоддош республикалар кинопублицистикаси. 12.15 Рассом Алексей Исапов: тақдир ва ижоди. 12.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 13.35 Мамлакат театрлари намойиш

этади. 15.55 Мультифильм. 16.15 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 16.30 Спорт ҳамма учун. 16.45 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 17.00 В. А. Моцарт. Бастин ва Бастена. 17.45 Янгилар. 17.55 Давр ҳақида ва ўзим ҳақида. 18.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.00 Алтин алма халқаро музикали фестивалининг очилиши. 21.10 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 21.15 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 «Время». 22.05 Урта ёшлилар кўвончлари. Бадий фильм. 23.20 Янгилар. 23.25 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати.

Якшанба

20 август

■ УЗТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 Адмирал учун ҳанжар. Телефильм. 10.20 Биргаликда куйлаймиш. 10.45 СССР Ҳаво флоти кунига. 11.15 Театр — болаларга. 11.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. 13.40 Спорт программаси. 14.50 Анделус кўшиқлари. 15.20 Сиз севган қаҳрамонлар. 16.20 Реклама. 18.05 Болалар учун фильм. 18.30 Сябрини — дўстлар учрашувини. 19.30 Сихат—саломатлик. Илмий-оммабоп программа. 20.00 Ахборот. 20.20 Қадрият. 20.50 Якшанба оқшомда. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Қувноқ эскадрон. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Душанба кўрсатади

17.55 Болалар учун фильм. 19.00 Новости. 19.15 Мерос. 20.00 Шу ҳафтанинг воқеалари. 20.15 Телетомошабин ҳамроҳи. 20.30 Армуғон. 21.30 «Время». 22.05 Алибобо ва қирқ қароқчи. Бадий фильм. 2-серия.

■ МТ I

8.50 Ритмик гимнастика. 9.20 Спортлоқ тиражи. 9.30 Эрта саҳарлаб. Болалар учун дам олиш — ўқув кўрсатуви. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қилган. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Юз қувонч кий буюк кашфийлар китоби. Бадий фильм. 14.05 Музикали киоск. 14.35 Бугун — СССР Ҳаво флоти кунини. 14.50 Ҳужжатли фильм. 15.45 Очқ эшиклар кунини. 16.30 Сеини севман ҳаёт. Фотоконкурс. 16.35 Рассом А. Шилов. 17.10 Камалак. 17.30 Кишлоқ янгиларлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Якшанба кинозали. 19.55 Тезорор поёзд. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Сопот — 89.

■ МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг. 8.50 Фильм-концерт. 9.40 Она-замин ташвишида. Ҳужжатли фильм. 10.35 1989 йил кўшиқлари. 10.50 Содир бўлмаслиги мумкин эди. 11.25 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 12.10 Акс садо: ҳафтанинг воқеалари. 12.25 Сув спорт турлари бўйича Европа чемпионати. 13.50 Талабларингизга биноан такорланади. Солдатлар куйлаганда. 15.30 Ҳужжатли фильм. 16.40 Донолик арифметикаси. Бадий фильм. 17.45 СССР ИИМ ҳаёт қилади. 17.55 Бизнинг фондизмдан. 18.30 Катта Волода, кичик Волода. Бадий фильм. 19.35 Телевизион музикали абонемент. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Вазиятлар. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган авиация-спорт байрами. 00.40 Янгилар.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

БУГУН — ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР КУНИ



Бугун областимизнинг барча спортчилари ўзларининг аниқлаш байрамлари — физкультурчилар кунининг 55 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Улар нафақат республика, Иттифон, балки Европа ва жаҳон биринчиликларида ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Биргина республика ўсмирлар ўйинлари программаси асосида ўтказилган мусобақаларда республикамиз вакиллари спортнинг ўн турли бўйича ўз жамоатларида ҳисобидида голиб чиқдилар. Ана шу мусобақаларда иштирок этган 36 команданинг 23 таси совринли ўринларга кўтарилдилар. Бунда

Тошкент область олий спорт маҳорати мактаби вакиллари-нинг ҳиссалари катта бўлди. С. Аъзамов рақибларни қилаётган ушбу мактаб спортчилари оғир атлетика, бокс ва велоспорт бўйича ўтказилган мусобақаларда юксак маҳорат кўрсатдилар. Мамлакатимиз турли шаҳарлари — Донецк, Москва, Днепрпетровск каби шаҳарларда ўтказилган биринчи Бутуниттифон ишчилар спартакиадасида ҳам областимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Ҳозирга қадар улар активда икки олтин, бир кумуш, битта бронза медали бор.

Областимизнинг маҳоратли спортчилари Раджон Гатаулин, Марина Шмонина, Жамолдин Абдужабборов, Сергей Заболотов, Арсен Фадзеев, ака-ука Аслан ва Махарбек Хадарцевлар қитъа ва жаҳон чемпионатларида областимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Бугун ана шу спортчиларимиз иштирокида областимизнинг барча шаҳар ва районлари стадион ва спорт майдонларида байрам тантаналари ўтказилади. Уларда ветеран спортчиларнинг чиқишлари, турли спорт турлари бўйича мусобақалар, бадий ҳаваскор-

лик коллективларининг концерт программалари намойиш этилади. Югуриш ишқибозлари клуби аъзолари эса ўйнаб километрга югуриш бўйича ўзaro мусобақалашадилар. Хусусан Чирчиқнинг «Сплав», «Чимган», Ғалаба районининг «Ғалабачи» спорт комплекси, Ангреннинг «Спартак» стадиони, Чинозининг «СССР 60 йиллиги», Коммунистик районининг «Политотдел» каби стадионларида ана шундай тадбирлар ўтказилади. Байрам тантаналари соат 10.00 дан кеч соат 17.00 гача давом этади.

Н. Муҳаммаджонов суратлари.



Ҳар бир дақиқа қимматли

● МИЛАН шаҳридаги «Хилтон» меҳмонхонаси ресторанининг маъмурияти ўз мижозларининг вақти қимматли эканлигини ҳисобга олиб, кўрсатилган хизматга ҳақ тўлашнинг янги тартибини жорий қилди. Эндиликда бу ресторанга тушлик ёки кечлик қилиш учун келган кишилар менюда ёзилган таомлар нархига қараб эмас, балки тановул қилиш учун сарфлаган вақтларига қараб ҳақ тўлайдилар.

Ресторан ҳар бир минут вақт ўтирилганлиги учун ҳўранданан бир минг лира олади. Тақриба шуни кўрсатдики, ҳар бир инсон ярим соат давомида газаклар, иккита иссиқ таом тановул қилиш, ҳўл мева ва бир пиёла қаҳва ичишга қобил экан. Ресторан ходимлари Гиннес рекордлари китобида ўз номини абадийлаштиришга интилаётганлар учун бу етарлидир, деб ҳисобламоқдалар.

Кўприкмисан кўприк...

● ЯҚИН Шарқда Саудия Арабистони билан Бахрейн давлатларини денгиз оша бир-бири билан бoғловчи ҳақиқатда ҳам низоғатда узун бир кўприк йўл бор. Фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида тўрт йил давомида бунёд этилган бу муъжиза иншоот ҳар бирининг узунлиги 12,5 километрдик бешта кўприкдан иборат. Унда ҳар куни 2,5—3 мингта автомашини ўтади. Иншоотни қуриш ҳам жуда қимматга тушган. Бунинг учун 750 миллион доллар сарфланди. Кўприкларнинг бири тағидан баландлиги 28 метргача борадиган кемалар бемалол қатнайверди.

Бундай кўприк йўл қурилишида орттирилган тақриба асосида Саудия Арабистонини Миср билан туташтирувчи автомобиль йўли қурилиши яқин йиллар ичида бошлаб юборилади.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Лирик қатралар

ҲАДИК

Уйғонганимда эрта таширф буюрадиган ёз тонги деразадан аллақачон ўз жамолини кўз-кўз қилиб юборган, терак барглари эсётган майин шаб-бодига дам ўш юзини, дам сўл юзини тутганича сирли шивирлаб эркаланиб ўйнер, эртатўрар чумчуқлар боғни бошларига кўтариб чуғурлашарди. Шарқ уфқидан лов-лов ёниб кўёш мўралай бошлаган, ҳамма нарса эртақлардагидек тароватли тонг эди.

Кўрганларимга маҳлиё бўлиб турганимда деразадан мен ётган хонага бир қучча учиб кирди-да, шифтдаги симдорга келиб кўнди. Қорамтир тўни сип-силли, жуда чиройли, бежиримгина. Қалдирғоч эди у. Унга қараб раҳматли бобомнинг гаплари эсимга тушди.

«Қалдирғоч ин қўрган уй хосиятли бўлади. У ўйдан сира бахт аримайди. Бойиб кетасан!» Шуларни ўйларканман ногоҳон қаравот гичирлаб кетди. Қалдирғоч «чурк» этди-ю, чўчиганча деразадан учди-кетди. Шунда юрагимни бир нарса тирнаб ўтгандек бўлди. Мен ҳам қалдирғоч хонамга ин қуришини, хосиятликни, бахтиёр бўлишини, бойиб кетишини истасам-да, лекин шу топда мени безовта қилган нарсалар хосиятсизлик ҳам, бахтсизлик ҳам, камбағаллик ҳам эмас, балки бошқа нарсалар эди. Шу кунларда ўзим бутун борлигим билан боғланиб қолган Р. нинг ушбу тонгдек беғубор қалбини ногоҳон қалдирғочдек чўчишиб юбормасмиканман!.. У ҳам мени қалдирғоч мисол ширин орзулар оғушига кўмиб, сўнг доғда қолдириб кетмасмикан!..

АЛДАНИШ

ҚўЛИМДАГИ беҳи жуда ширин, менга уни узатган қиз эса сулуво эди. Бир беҳи тишлаб, бир рўпарамда ўтирган қизга қарардим. Беҳини бунчалик ширин бўлишини энди-энди билаётганимдек бу каби гўзал қизни ҳам илк бор учратганим эди. Бир вақт беҳини баҳузув қарсиллатиб тишларканман ўнг томонимдаги тишларимдан бири «қарс» этиб синиб тушди.

— Бола бўлганимда ҳам майли эди, энди ўринига тиш ҳам чиқмайди,— дедим синган тишни қўлимга олиб. Бу гапимдан қиз ҳам маънос тортиди.

— Қўйинг, ачинишга арзимайди,— деб долда берди у ўзига келиб.— Тиш қўйдира қоласиз.

— Тўғри айтасиз, ачинишга арзимайди,— дедим мен ҳам унинг гапларини тасдиқлаб. Сўнг қўлимдаги «гуноҳдор»

беҳига қардим. Ташлаб юборишга ҳўзим қиймай чап томоним билан қайта тишладим.

— Ширин эканми?— қиз кулди.

— Жудаям.— Мен ҳам қулиб юбордим. Кейин ҳамма нарсани унутиб, қулиб турган қизга муҳаббат ҳақида сўзлаб боладим. У бош эгганча жингина тингларди...

Чўчиб кўз очдим: қўлимда на беҳи, ёнимда на сулуво бор эди. Беҳитиёр тушган тишимга қўл чўзим — у ҳам ўз ўрнида эди. Лекин туриб-туриб алданганим жуда алам қилиб кетди. Еш боладек ҳўнграб йиллагим келарди. Қўнглим шу топда қиз узатган ширин беҳини, ўша меҳрибон сулувнинг сўхбатини қўмсарди. Ҳали бўйдоқ эдим-да!

— Қани энди ҳаммаси ўнгим бўлса-ю, тишимнинг тушишига ҳам рози эдим,— дедим сикин.— Алданиш мунча ёмон-а!

Адҳам ДАМИНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ҳурматли газетхонлар! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришини истасангиз шу қуқларда унга обуна бўлишини унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар Сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган йилдорда қабул қилинади. Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 88 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

ДУСТЛАР-МЕҲМОНИМИЗ

● ҚАРДОШ Қозоғистон ССРнинг Жетисой райони билан Чиноз райони меҳнатқашлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақалар, дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Иккала район кишлоқ ҳўжалик ходимлари, маданият муассасаларининг вакиллари бир-бирларининг ишлари билан тез-тез танишиб турибдилар.

Икки район ўртасидаги маданий алоқалар бўйича тузилган шартномага кўра К. Жан-дарбеков номи Жетисой Дав-

лат музикал драма театри коллективи Чинозда ўз концерт программасини намойиш этди. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Охунбобоев номли, Киров номли, Энгелс номли, Навоий номли, Собир Раҳимов номли колхозларининг ҳамда «Чиноз» совхоз-техникумининг, Жамбул номли совхоз меҳнатқашлари Бердақ мукофоти лауреати Кенгесбой Раҳмоновнинг икки пардалли «Раҳмат, келин!» комедиясини томоша қилдилар.

Т. ТУҚЛИБОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издаётся на узбекском языке

Редакция адрес: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-46, 33-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.